

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

№ ВМ – 343 - 5А340612 – 2.01

« 1 » Июль **2003** й

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

« 8 » Июль **2003** й

**ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А3406012 - «Капитал қўйилмаларни
молиялаштириш ва уларнинг мониторинга»
магистратура мутахассислиги учун**

Тузувчилар: доц. Жўраев А. С,
к.ўқ. Носиров Э. И.

Такризчилар: доц. Холмахмадов З. А.,
к. ўқ. Султанов М. А

Бугунги кунда Ўзбекистан Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади ишлаб чиқариш салоҳиятини ўстириш орқали иқтисодиётни юксалтиришдир. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши эса, инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишни тақозо этади. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш, ўз навбатида, давлат инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шулардан келиб чиққан ҳолда «Давлат инвестиция сиёсати» фанининг асосий мақсади магистрантларга давлат инвестиция сиёсатининг мақсади, йўналиши ва истиқболларини ўргатишдан иборатдир. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси инвестиция сиёсатининг мазмуни, инвестиция муҳити, хорижий инвесторларга нисбатан инвестиция сиёсатининг келгусидаги йўналиши, инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш ва масалалар бўйича магистратура талабаларига назарий билим бериш ҳисобланади.

На сегодняшний день основной целью экономических реформ, проводимых в Республике Ўзбекистан, является развитие экономики путем повышения производственного потенциала. Развитие производства требует эффективную организацию инвестиционной деятельности. В свою очередь, организация инвестиционной деятельности связана с государственной инвестиционной политикой. Исходя из этого, основной целью дисциплины «Государственная инвестиционная политика» является обучение магистрантов целям, направлениям и перспективам государственной инвестиционной политики. Исходя из этих целей, основной задачей дисциплины является дать магистрантам теоретические знания относительно содержания инвестиционной политики, инвестиционного климата, перспективам будущей инвестиционной политики для иностранных инвесторов, организации координации инвестиционной деятельности и т.д.

In our days the main purpose of economic reforms is directed to economic development through the growth of productional potential of the country. Development of production requires an effective organization of investment activity. In turn, organization of investment activity is connected with state investment politics. Proceeding from this basic purpose of discipline «Public investment politics» is the study by masters of purposes, tendencies and perspectives of public investment politics. Proceeding, from these purposes the basic task of discipline is the contents of investment politics, the investment climate, future tendencies of investment politics for the foreign investors, organizations of investment activity's coordination and other tasks connected with these directions.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель, 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

Тошкент Молия институти, 2003.

1. СЎЗ БОШИ

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлатнинг инвестиция сиёсати ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва инвестиция фаолиятининг самарали ташкил этилиши ҳам бевосита давлат инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

«Давлат инвестиция сиёсати» фанини ўқитишнинг асосий мақсади магистрантларга давлат инвестиция сиёсатининг мазмуни, мақсади, йўналиши ва истиқболларини ўргатишдан иборатдир. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси инвестиция сиёсатининг моҳияти ва мазмунини, инвестиция муҳитини, хорижий инвесторларга нисбатан инвестиция сиёсатининг келгусидаги йўналишини, инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш ва шу йўналишдаги ишларни ўргатиш ҳисобланади.

Мазкур фан «Марказлаштирилган инвестициялар ва уларни молиялаштириш», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми», «Инвестицион таҳлил», «Инвестиция лойиҳалари мониторинги» каби фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, магистрантлардан ушбу фанларни чуқур ўзлаштириш талаб этилади.

Фан бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда инвестиция ва хорижий инвестиция соҳасига оид қонунчилик, шунингдек, инвестиция сиёсатидаги янгилеклардан хабардор бўлишлари лозим.

«Давлат инвестиция сиёсати» фани бўйича билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар қуйидагича:

- замонавий давлат инвестиция сиёсати тўғрисида билимларга эга бўлиш;
- давлат инвестиция сиёсатининг мазмуни ва мақсадини анпаши;
- ҳар йилги ва яқин истиқболда давлат инвестиция дастурлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни билиш;
- Республикамизда хорижий инвесторлар учун яратилган инвестиция муҳити ва чет эл капиталининг кириб келиши тўғрисида билимларга эга бўлиш;
- ҳар йилги ва яқин истиқболда давлат инвестиция дастурларини шакллантиришга таъсирли ёндашув бўйича асосий тушунчаларини ўзлаштирган бўлиши;
- инвестиция дастурини ишлаб чиқиш механизмининг моҳиятини тушуниши;
- инвестиция фаолиятини ва уни давлат томонидан мувофиқлаштириш воситалари тўғрисида билимларни эгаллаши;
- давлат инвестиция дастурларининг бажарилишини таҳлил қила олиши;
- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини баҳолашнинг сон ва сифат жиҳатларини аниқлай олиши;
- инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш асосларини билиш.

Магистрантлар мазкур ўқув фани бўйича юқорида қай этилганлар бўйича аниқ тасаввурга эга бўлишлари, уларни тўла билишлари, назарий билимларни амалиётда қўллай олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштира билишлари керак.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиётни мувофиқлаштириш мақсадида магистрантларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини оширишга, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш зарур. Давлат инвестиция сиёсати фанидан олган билимлари магистрантларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда қўл келадиган адабиётларни ўрганиб, малакаларини оширишларида қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар миқдорига мини мал талаблар

Ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан магистр тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтадилар.

Машғулоти ҳажми бўйича тавсиялар

Фанга жами 120, шу жумладан, 40 - маъруза, 40 - амалий, 40 - муетақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жамида режага мувофиқ олдин маъруза, ксш-ш амалий машғулот ўтказилади. Мапк: рларнинг мустақил ўрганиш учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазибалари берилади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ёки ёзма усуллари қўлланилади.

Талабалар ўзлаштиришини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими бўйича жорий, оралик ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фан ўқитиладиган ҳар бир семестрда икки маротаба жорий баҳолаш, икки маротаба оралик баҳолаш ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин. Охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Инновациёй ўқитиш технологияларини қўллаш

Куйидагилар "Давлат инвестиция сиёсати» фанини ўқитишда компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологиялардан фойдаланишнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади:

- ўқув мақсадлари ва вазибалари каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини тест (назорат) топшириқларига кўчириш;
- таркатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд ва компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билиминини мустақил равишда баҳолаш учун куйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни олдиндан таркатма материаллар билан таъминлашга эришиш;

- магистрантларга олган билимларини ўзлари баҳолашлари учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция соҳасига тегишли қонундар, ҳукумат қарорлари, инвестиция дастури, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг ЮНИДО услубиёти ва компьютер дастурларидан, янги компьютер технологияларидан, таркатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишчи дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Капитал қўйилмаларни молиялаштириш *вп* уларнинг мониторинга", "Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш", "Давлат инвестициялари", "Халқаро инвестициялар", "Давлат молиясини бошқариш", "Суғурта иши", "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Давлат солиқлари ва йиғимлари", "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар" утахассисликларига биринчи ва иккинчи семестрларда ўқитилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, инвестиция дастурлари, низомлар ва компьютер дастурларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

«Давлат инвестиция сиёсати» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Магистрантларнинг таълим жараёнида олган назарий билимлари ўқитувчилар ёки белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг тизими асосида усулида баҳоланади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотлари мавзулари

Фаннинг предмети ва мазмуни. Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида инвестиция сиёсатининг ўрни ва аҳамияти

«Давлат инвестиция сиёсати» фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни. Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг мазмуни. Инвестиция сиёсатининг мақсади. *Бозор шароитида инвестиция сиёсати иқтисодий тараққиёт омили сифатида.*

Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва унга таъсир этувчи омиллар

Инвестицион муҳитнинг моҳияти. Ўзбекистондаги инвестицион муҳит.

Инвестицион муҳитига таъсир этувчи омиллар (иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий).

Инвестицион муҳитини барқарорлаштириш йўллари.

Ўзбекистоннинг инвестиция фаолияти ва уни давлат томонидан мувофиқлаштириш

Инвестиция фаолияти объектлари ва субъектлари. Инвестиция фаолияти инфратузилмалари. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш воситалари. *Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари.*

Ўзбекистон Республикаси инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятни мувофиқлаштирувчи

қоиуплари ва уларга тавсиф. *Ўзбекистоннинг инвестиция фаолиятига*

тегишли меъёрий уужжатларнинг ўзиги хос хусусиятлари.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурати.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлан-тиришдаги ўрни. Хорижий

инвестициялар учун яратилган шарт-шароитлар. Хорижий инвестицияларни жалб этиш шакллари.

Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган корхоналар ва уларнинг фаолияти. *Ўзбекистонда портфелли инвестицияларни жалб этиш муаммолари. Мамлакат рейтингини баҳолаш тизими.*

Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицияларнинг таркибий тузилиши

Реал активларга қўйилган инвестициялар. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар. Инвестицияларнинг тармоқ тузилиши. Қимматли қоғозларга қаратилган инвестициялар. Қимматли қоғозлар бозори. *Инвестиция фондлари.*

Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг бошқа давлатлар инвестиция сиёсатларидан фарқли хусусиятлари

Ўзбекистоннинг ҳалқаро интеграциялашувида инвестиция сиёсатининг ўрни. Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. *Инвестиция уамкорлиги шартномалари.*

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида инвестиция сиёсатининг ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ва йўналиши. Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг мазмуни. Инвестиция сиёсатининг мақсади. Бозор шароитида инвестиция сиёсати иқтисодий тараққиёт омили сифатида.

Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва унга таъсир этувчи омиллар

Инвестиция муҳитининг моҳияти. Ўзбекистоннинг инвестицион муҳити. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар. Инвестиция муҳитини барқарорлаштириш йўллари.

Ўзбекистоннинг инвестиция фаолияти ва уни давлат томонидан мувофиқлаштириш

Инвестиция фаолияти объектлари ва субъектлари. Инвестиция фаолияти инфратузмалари. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистоннинг инвестиция фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунларига тавсиф. Ўзбекистоннинг инвестиция фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистоннинг инвестиция дастури ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Худудларнинг инвестиция дастури.

Ўзбекистон иқтисодётига хорижий инвестицияларни жалб этиш

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурати ва уларнинг иқтисодиётни юксалиштиришдаги ўрни. Хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар. Хорижий инвестицияларни жалб этиш шакллари. Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган корхоналар фаолияти. Ўзбекистонда портфелли инвестицияларни жалб этиши муаммолари. Мамлакат рейтингини баҳолаш тизими.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицияларнинг таркибий тузилиши

Реал активларга қўйилган инвестициялар. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар. Инвестицияларнинг тармоқ тузилиши. Қимматли қоғозларга қўйилган инвестициялар.

Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг бошқа давлатлар инвестиция сиёсатларидан фарқли хусусиятлари

Ўзбекистоннинг ҳалқаро интеграциялашувида инвестиция сиёсатининг ўрни.
Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Инвестиция
ҳамкорлиги шартномалари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР ВЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, УЎУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РУЙХАТИ

Барча мавзуларни кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

"Давлат инвестиция сиёсати" фанини ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида инвестиция сиёсатининг асосий йуналишларини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Магистрантларга "Давлат инвестиция сиёсати" фанини ўрганпшда г'ёрли ахборот воситаларидан. интернет тизимидаги қуйи.чаги саиТ] ва электрон почталардан фойдаланишлари тавсия этилади:

<http://www.bankofamerica.com/investments>

<http://energytrends.pnl.gov>

<http://www.frtib.gov>

<http://www.worldbank.org/icsid>

<http://www.ici.org>

<http://invest-faq.com>

<http://www.oakinvc.com>

<http://www.hondurasinfo.hn>

<http://farmbill.farmbill.unl.edu>

<http://www.eagleinvsys.com>

<http://www.Apexvc.com>

<http://www.wisebuy.co.uk>

<http://subscribe.ru>

<http://www.bimk.kiev.ua>

<http://tininfo.bigural.ru>

<http://www.bashkortostan.ru>

<http://vuirute.iessl.ru>

<http://tut.by>

<http://www.zelenograd2001.narod.ru>

<http://econsultant.ru>

<http://megapolis.kharkov.ua>

<http://www.rada.kiev.ua>

<http://alyona.nns.ru>

<http://www.hse.ru>

<http://www.samara.ru>

<http://www.vestona.ru>

<http://www.officemart.ru>

<http://www.chtivo.ru>

<http://bdg.preess.net.by>

Шунингдек, республикамизда чоп этилаётган газета ва

журналлар маълумотлардан фойдаланишлари, хорижий

инвестициялар бўйича Агентлик, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,

Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси,

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва бошқа вазирлик ҳамда

идораларнинг амалий материалларидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ва Тошкент молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва

мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва куйидаги турларда амалга оширилади: жорий, оралик ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралик баҳолаш турларига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоизи миқдорида белгиланган.

"Давлат инвестиция сиёсати" фанидан магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балл 80 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 28 балл, оралик баҳолашга 28, якуний баҳолашга эса 24 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолаш турларига белгиланган баллар куйидаги мезонлар асосида кўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар куйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳоланади.

- 86 - 100 фоизгача (68,8 баллдан 80 баллгача) "аъло";
- 71 - 85 фоизгача (56,8 баллдан 68,7 баллгача) "яхши";
- 55 - 70 фоизгача (44 баллдан 56,7 баллгача) "қониқарли";
- 55 фоиздан кам (0 дан 43,9 баллгача) "қониқарсиз".

6. АДАВИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистан Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998 й. 24 декабрь. Халқ сўзи, 1999й. 12 январь. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги Қонуни, 1998. 30 апрель. Халқ сўзи, 1999й. 12 январь. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» ги Қонуни. 1998й. 30 апрель. Солиқ ва божхона хабарлари, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О мерах по совершенствованию реализации проектов с иностранными инвестициями». //Народное слово, 1998й. 9 февраля. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О дополнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями». //Народное слово, 1998. 27 марта.
3. Протокол заседания комиссии по реформированию экономической, финансовой и банковской сфер, развитию и укреплению рыночных принципов и механизмов межведомственного координационного совета по реформированию и инвестициям при Президента Республики Ўзбекистан. //Народное слово, 2001г. 21 июля.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Вазирлар Маҳамаси йиғилишида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2002 йил якунларига бағишланган маърузаси. //Халқ сўзи, 2003 йил, 18 феврал.
5. Абдуллаева Ш. З. Пул, кредит ва банклар. — Т.: Молия, 2000. -П. Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия
6. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. инвестиционных проектов: Учебное пособие -Т.: ТМИ, 2000.
7. Абрютин М.С., Грачева А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий: Учебно-практическое пособие. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Дело и Сервис, 2001.
8. Банковское дело и финансирование инвестиций, т.1, т.2. Под. ред. Н.Брука (Всемирный
9. Банк Реконструкции и Развития) Институт экономического развития Всемирного Банка, 1995.
10. Богатин Ю. В., Швандар В. А. Оценка эффективности бизнеса и инвестиций. - М.: Юнити, 1999.
11. Ғозибеков Д. Г., Ангелиди М. С, Каримов Н.Г. Финансовое обеспечение инвестиций в экономику Ўзбекистана - Т.: ТМИ, 1995.
12. Ғозибеков Д. Г., Собиров О. Ш. Лизинг и его развитие в Ўзбекистане -Т.: Молия, 2001.
13. Игошин Н. В. Инвестиции - М.: ЮНИТИ, 1999. Ковалев В. В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 2000.
14. Радионова С. П., Радионов Н. В. Оценка инвестиционных ресурсов предприятий - М.: Альфа, 2001.
15. Карп М. В., Шабалин Е. М., Эриашвили Н.Д., Истомин О.Б. Лизинг, его экономические и правовые основы. - М.: -Дана, 2001.
16. Костюнина Г. М., Ливенцев Н. Н. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. - М.: Анкил, 2001.
17. Сергеев И. В. Веретенникова Н. И. Организация и финансирования инвестиций. - М.: Финансы и статистика, 2000.

18. Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2001. Қўшимча адабиётлар
19. Лещенко М. И. Основы лизинга. Учеб. пособие - М.: Финансы и статистика, 2000.
20. Гусаков Б. И. Экономическая эффективность инвестиционной собственности. - М.: Финансы, 1998.
21. Сергеев А. А. Экономические основы бизнес планирования. - М.: Юнити-Дана, 1999.
22. Ложников А. В. Инвестиционный анализ и контроль инвестиционной деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2001.
23. Марголин А. М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: Финансы и статистика, 2001.
24. Москвин В. А. Кредитование инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2001.